

## Миллий кутубхонада бепул кино намойишлари бошланди

Қишки таътил мавсумида Миллий кутубхонада болаларга багишланган турли мультфильмлар ва болалар бадиий фильмлари тўплами кинозал репертуаридан жой эгаллади.

Миллий кутубхона кинозали маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп видео материаллар репертуарини ўзида жамлаган бўлиб, ушбу видео материалларда миллий кадриятларимиз ва урф-одатларимиз, тарихий-маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаш ҳамда ёшларнинг маънавий етук инсон бўлиб етишишларидаги асосий омиллар кўрсатиб берилган.

Видео материалларда воқеалар ва қаҳрамонларнинг ижобий ҳамда салбий тимсоллари оркали инсон ҳаётига таҳдид солувчи ва ёмон оқибатлар келтириб чиқарувчи иллатлар ва уларнинг олдини олишга қаратилган аниқ мақсад томошабинга юксак маҳорат билан етказиб берилган.